



МУРДАЛАР БИЛАН ИШЛОВЧИ ТИББИЁТ ҲОДИМЛАРНИНГ КУНЛИК ИШ ДИНАМИКАСИДА ОРГАНИЗМ ФУНКЦИОНАЛ ХОЛАТИНИ ЎЗГАРИШИ

Махманазаров Ғафур Ахназарович

Alfriganus universiteti Ички касалликлар кафедраси ассистенти

E-mail: gafuraxnazarov@gmail.com

Давлат тассаруфидаги муассаса тиббиёт ҳодимлариининг динамометрияси бўйича яъни мос равишда $16,1 \pm 1,3$ ва $20,3 \pm 1,5$ га тенг бўлди. Таҳлил натижаларига кура асабий-ҳиссий зўриқиш Мурдалар билан ишловчиларнинг Суд тиббиёт врачлари ва Патологик анатом врачлари гуруҳида (78,5% ва 67,3%) бўлди. Суд тиббиёти ва Патологик анатомлар тиббиёт ҳодимлари орасида соғлиғини “ёмон” деб баҳолаганлар сони 17,6%ни, кичик тиббиёт ҳодимларида эса 2,0% ини ташкил этди. Врачлар ва урта тиббиёт ҳодимлари ва кичик тиббиёт ҳодимлари уртасида иш ҳажмларини параметрларини, уларнинг иш юкламаси динамикасидаги функционал ҳолатини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, Врач(суд тиббиёти ва Патологик анатом) ларнинг иши урта ва кичик тиббиёт ҳодимларининг ишига нисбатан кўпроқ касбий хавф туғдиради.

Аннотация

Кузатиш объекти Мурдалар билан ишловчи тиббиёт ҳодимлари фаолият юритаётган Самарқанд шаҳри ва унга яқин булган туманларда жойлашган 4 та давлат муассасалари. Текширилаётган тиббиёт ҳодимларининг 42та хронометрик хариталар таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: Мурдалар, Меҳнат гигиеник шароити, иш динамикаси, асабий-ҳиссий зўриқиш, касбий хавф.

Мурдалар билан ишловчи тиббиёт ҳодимларининг иш жараёнининг шароитлари ва табиатини ўрганишда организмга таъсир жараёнининг ўзига хос хусусиятлари (препаратлар аллергиялари, захарли моддалар, патоген микроорганизмлар билан контакт, кўриш анализаторининг зўриқиши, ишчи



International Conference on Medical Science, Medicine and Public Health

Hosted online from Jakarta, Indonesia

Website: econfseries.com

30th October, 2025

кўл кичик мушакларининг стереотипик ҳаракатлари, асабий-ҳиссий зўриқиш), Суд тиббиёт ва Патологик анатомлар биноларининг тузилиши, турли жиҳозлари, асбоблари конструкцияларининг ноқулайлиги, пломба ва препарат материалларининг номукамаллиги келтириб чиқарган ноқулай омиллар аниқланди [1, 4].

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар янги турдаги ва замонвий тиббиёт муассасаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ҳозирги вақтда Тиббиёт соҳалари ичида Мурдалар билан ишловчи тиббиёт ходимларининг хизмат кўрсатиш ҳажми, техник жиҳозланиш даражаси(тиббиёт муассасаларидаги янги ва замонвий шунингдек, юқори сифатли асбоблар, энг янги техника ва технологиялар)бўйича бир-биридан фарқ қилувчи ушбу профилдаги давлат муассасалар мавжуд [3, 4]. Замонавий адабиётларда меҳнатни ташкил этишнинг янги шакллари муносабати билан мурдалар билан ишлаганлар соғлиғининг хавф омиллари ва ҳолати тўғрисидаги гигиеник маълумотлар кам ва тўлиқ эмас, бу эса тадқиқотнинг долзарблигини белгилади.

Тадқиқот мақсади

Ишнинг кунлик динамикасида Мурдалар билан ишловчи тиббиёт ходимлар организмнинг функционал ҳолатини ўрганиш.

Материаллар ва усуллар

Кузатиш объектлари 4 та давлат муассасаси, хоналаридаги шифокорлар, урта тиббиёт ходимларининг меҳнат шароитлари, шунингдек, уларда ишлаётган кичик тиббиёт бўлди.

Кузатиладиган гуруҳ сифатидаэса давлат муассасалари ишловчи уларнинг ҳамкасблари олинди. Тадқиқот бевосита иш жойида ўтказилди. Текшириладиган Мурдалар билан ишловчи тиббиёт ходимлари сони 42 нафарни ташкил этди. Шаклланган гуруҳлар ёши ва соматик ҳолати бўйича турли хил эди. Тиббиёт ходимларини текшириш иш бошланиши куннинг бошида ва охирида ўтказилди. Мурдалар билан ишловчилар ишининг оғирлиги ва зўриқиш мавжудлиги нуқтаи назаридан баҳолаш учун меҳнатни



International Conference on Medical Science, Medicine and Public Health

Hosted online from Jakarta, Indonesia

Website: econfseries.com

30th October, 2025

ташқил этишининг иккита вариантыни ҳисобга олган ҳолда иш вақтининг аниқ хронометрик кузатуви амалга оширилди. Бунда одатдаги одатдаги фаолият учун вақт харажатлари, хусусан: тиббий ва диагностик текширувлар, тиббий ҳужжатларни расмийлаштириш, хонадаги юришлар, тик ҳолатда лаборатория учун анализ олиш, ишлаб чиқаришдан ташқари вақт харажатлари аниқланди. 42 та хронометрик хариталар таҳлил қилинди. Психофизиологик тадқиқотлар ўтказилди, улар иш ҳафтаси динамикасида хотира, эътибор, фикрлаш функциясини (“Рақамлар бўйича хотира”, “Код”-тести, Крепилин тести), ўнг 8-қўл ҳаракатининг барқарорлигини баҳолаш имконини берадиган усуллар ва тестларни ўз ичига олади (“Теппинг-тест”, “Динамик тремометрия”). 200 та кўрсаткичлар олинди ва таҳлил қилинди. Математик усуллар Windows 2010 нинг Microsoft Excel дастури ёрдамида амалга оширилди.

Вариацион статистиканинг анъанавий усуллари қўлланилди. Ўртача қийматлар ўртасидаги фарқнинг ишончилигини аниқлаш учун Стъюдент мезонининг қийматларидан фойдаланилди ва корреляцион таҳлил ўтказилди. Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси Психофизиологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш (1-жадвал) муассасаларнинг врач экспертларида гуруҳида ақлий иш қобилиятининг пасайиши, қўлда чарчаш юзага келишини аниқлашга имкон берди, бу ишлар кун давомидаги иш юкламасига мослашишнинг қийинлигини кўрс атади

Иш кунлик динамикасида турли булимларда психофизиологик ҳолатининг кўрсаткичлари

Тадқиқот натижаларига

кўра, текширилганларда иш кун охирида мурдалар билар ишловчи шифокорларидаги эътиборнинг паст барқарорлиги урта вакичи тиббиёт ходимларининг тестни бажаришга сарфлайдиган вақт кўрсаткичига нисбатан анча юқори даражада намоён бўлиши аниқланди (мос равишда $61,8 \pm 2,8$ ва $53,0 \pm 1,15$) ($p < 0,05$). Мурдалар билан ишловчи тиббиёт ходимлари бошқа ходимлар билан солиштирилганда сонларни сезиларли даражада камроқ, яъни кун бошида мос равишда $43,9 \pm 2,39$ ва $45,6 \pm 2,33$, кун



International Conference on Medical Science, Medicine and Public Health

Hosted online from Jakarta, Indonesia

Website: econfseries.com

30th October, 2025

охирيدا мос равишда $36,7 \pm 2,17$ ва $43,2 \pm 2,11$ эслаб қолишди. Иш куннинг охирига келиб, 2 та солиштирилаётган тиббиёт ҳодимларининг уртасида гуруҳида фикрлаш функциясининг пасайишини оддий ҳисоблаш операцияси мисолида аниқланди, сўровнома ўтказилганда мурдалар билан ишловчи тиббиёт ҳодимлари ўртасида гуруҳлар тезлик кўрсаткичи куннинг бошида ҳам, унинг охирида ҳам сезиларли даражада ёмон бўлди (мос равишда $39,1 \pm 1,1$ ва $34,7 \pm 0,8$). курув функционал ҳолати Тиббиёт ҳодимлари орасида гуруҳида ёмонроқ бўлди, у теппинг тести ўтказилганда иш куннинг охирига келиб, зарбалар темпининг $6,19 \pm 0,1$ дан $5,7 \pm 0,1$ гача сезиларли даражада пасайиши билан тасдиқланади ($p < 0,05$)

Иш кун охирида Мурдалар билан ишловчи тиббиёт ҳодимлари шифокорлари кўлининг нозик сенсомотор фаолиятининг пасайиши ўрта тиббиёт ҳодимлари ҳамкасбларига солиштирганда яққол кузатилди, аммо ишонарли даражада бўлмади. Иш кун давомида динамометриянинг сезиларли даражада пасайиши, бизнинг фикримизча, катта физиологик харажатларни талаб қиладиган эскирган, эргономик бўлмаган асбоб-ускуналар билан ишлаш натижасида мурдалар билан ишловчи ҳодимларининг кўлининг яққол чарчашини исботлайди. Сўровнома усулидан фойдаланган ҳолда Мурдалар билан ишловчи тиббиёт ҳодимлари саломатлик ҳолатини субъектив баҳолашда тиббиёт ҳодимлари ўзларининг соғлиқлари бўйича билдирган шикоятлари орасида невротик бузилишлар, хид билиш, овқат ҳазм қилиш тизими, қон айланиш тизими, таянч-ҳаракат тизими ва бириктирувчи тўқима, сезги органларининг патологиялари мавжудлигидан далолат берувчи шикоятлар устунлик қилиши аниқланди. Бироқ, ушбу шикоятларни субъектив равишда қайд этган тиббиёт ҳодимларининг улуши урта тиббиёт ҳодимларининг кичик тиббиёт ҳодимлари гуруҳида юқори бўлди. Шу соҳа ҳодимлари врачлари орасида сабий-ҳиссий зўриқиш ўрта тиббиёт ҳодимлари гуруҳида (мос равишда 73,5% ва 69,3%) бўлди. Суд тиббиёти ва Патологик анатомлар тиббиёт ҳодимлари орасида соғлиғини “ёмон” деб баҳоланганлар сони 17,6%ни, кичик тиббиёт ҳодимларида эса 20,0% ини ташкил этди.



Хулоса

Врачлар ва урта тиббиёт ходимлари ва кичик тиббиёт ходимлари уртасида иш ҳажмларини параметрларини, уларнинг иш юкламаси динамикасидаги функционал ҳолатини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, Врач(суд тиббиёти ва Патологик анатом) ларнинг иши урта ва кичик тиббиёт ходимларининг ишига нисбатан кўпроқ касбий хавф туғдиради.

Адабиётлар руйхати

1. Амиров Н.Х., Берхеева З.М, Гарипова Р.В. Оценка профессионального риска нарушений здоровья у медицинских работников по результатам периодического медицинского осмотра // Вестник современной клинической медицины. - 2014. - Т. 7. № 2. - С. 10-14.
2. Арефьев М. Л. Эндоскопические методы исследования в танатологической практике // Судебная медицина. - 2017. - Т. 3. № 2. - С. 24.
3. Бабаев, А. Б. Санитарно-гигиеническая характеристика условий труда врачей судебно-медицинской экспертизы в Республике Таджикистан / А. Б. Бабаев, С. Х. Фозилова // Вестник Авиценны. – 2013. – № 2(55). – С. 134-138.
4. Бадамшина, Г. Г. Актуальные вопросы оценки условий труда медицинских работников по уровню биологического фактора / Г. Г. Бадамшина, В. Б. Зиятдинов, Л. М. Фатхутдинова // Медицина труда и промышленная экология. – 2019. – Т. 59. – № 9. – С. 551.
5. Бектасова М.В., Капцов В.А., Шепарев А.А. Социально-гигиеническое исследование заболеваемости, образа жизни, условий труда медицинского персонала лечебных учреждений на примере Приморского края // Путь науки. - 2014. - № 6. - С. 109-111.
6. Боговская, Е. А. К вопросу о предупреждении возникновения профессиональных заболеваний у лиц, участвующих в организации и производстве судебно-медицинских экспертиз / Е. А. Боговская // Судебная медицина. – 2019. – Т. 5. – № S1. – С. 26-27.



International Conference on Medical Science, Medicine and Public Health

Hosted online from Jakarta, Indonesia

Website: econfseries.com

30th October, 2025

7. Maxmanazarov G'.A., O'ZBEKISTONDA SIL KASALLIGINING EPIDEMIOLOGIK XUSUSIYATLARI/"KLINIK VA PROFILAKTIK TIBBIYOT JURNALI" 2022 44-48
8. Махманазаров Ғофир Ахназарович., ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ/Vol. 1 No. 7 (2023): INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY 2023 58-61
<https://uzresearchers.com/index.php/ijrs/issue/view/30>
9. Аминов З.З. , Наимова З.С., Гаппарова Г.Н., Курбонов Х.Р. , Махманазаров Г.А. ВЛИЯНИЕ ВЫБРОСОВ АММОФОСНОГО ПРОИЗВОДСТВА НА СОСТОЯНИЕ ЗДОРОВЬЯ ДЕТЕЙ И ПОДРОСТКОВ/ «Науки о здоровье» 2019 57-61
<https://cberleninka.ru/journal/n/academy>